

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил октябрь ойининг 10 кунини Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

раислик қилувчи, туман судининг раиси: С.Содиқов,

судья ёрдамчиси А.Алимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Миробод туман прокурорининг ёрдамчиси Г.Ҳайдарова, судланувчи И.Сафаров ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Бакиева, жабрланувчи А.Алижоновларнинг иштирокида, Сафаров Ихтиёр Бахтиёровичга нисбатан 1-1002-2301/572-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Сафаров Ихтиёр Бахтиёрович (Safarov Ixtiyor Baxtiyorovich) 26.06.1993 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Ҳайробод маҳалласи, Бобур кўчаси, 8-уй, 5-хонадонда яшовчи, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141²-моддаси 2-қисми «в» банди, 169-моддаси 3-қисми «б» банди, 141²-моддаси 2-қисми «б, в» бандлари ва 169-моддаси 3-қисми «а, б» бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Сафаров Ихтиёр Бахтиёрович ўзганинг мол-мулкини қонунга хилоф равишда ахборот тизимидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, ўзи ишлатиб юрган Модель M2101K6G, IMEI-код (солт SIM 1) 867630055960641, IMEI-код (солт SIM 2) 867630055960658, IP-адрес 10.81.197.237 бўлган “Redmi Note 10 Pro” телефон апаратидан фойдаланган ҳолда Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида фаолият олиб боровчи “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “Binance_uz” гуруҳининг “Live chat” номли жонли суҳбат жараёнига қўшилган ҳолда “Binance” иловасида қандай ишлашни ва унда “USDT” электрон крипто валюта пулларини олди-сотдиси ва қай тариқа кўпайтиришни ўргатиши юзасидан ёзган хабари бўйича “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали мурожаат қилган Исматуллаева Лобархон Ахмаджоновнага интернет тармоғидаги “Binance” иловасида очган akkaунти орқали, иловада қандай ишлашни, иловасидаги “USDT”



крипто валюта пулларини кўпайтириш, уларни олди-сотдисини ўргатишини, кунига 200 АҚШ долларидан даромад топиши мумкинлигини, буни ўргатгани эвазига ўрганиб бўлганидан сўнг кунлик даромадининг ярмини бериши кераклигини айтган ҳолда ишонтириб, 2022 йил 30 октябрь куни “Telegram” ижтимоий тармоғида телефони орқали экран улашган ҳолда фуқаро Л.Исматуллаевани “Binancee” иловасидаги “ID414463140” рақамли “Star_Tiara” номли akkaунтига киришга эришиб, akkaунтдаги фуқаро Л.Исматуллаева шахсига оид малумотлар ва “Crypto BOX” бўлимидаги 758 “USDT” крипто валюта пулларини кўрган ҳолда, шундан 750 “USDT” крипто валюта пулларини айнан фуқаро Л.Исматуллаеванинг akkaунтида турган ҳолатида, бошқа бўлимга ўтказиш орқали кўпайтириб олишини ўргатишини айтган ҳолда “Binancee” иловасини akkaунтида фуқаро Л.Исматуллаевани айнан ўзига бир неча аммалларни бажартирган ҳолда 750 “USDT” крипто валюта пулларини яширин равишда укаси Сафаров Сардор Бахтиёровични таниши бўлган Тоғаев Зухриддин Ислон ўғли номига “Binancee” иловасида очилган “ID525019156” рақамли akkaунтига ўтказишга эришиб, фуқаро Л.Исматуллаевага гуёки алоқа яхши бўлмаётганлигини айтиб, алоқани узган ҳолда “Telegram” ижтимоий тармоғида фуқаро Л.Исматуллаевани қора рўйхатга солиб, унга жами 750 “USDT” крипто валюта (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотида кўра, 30.10.2022 йилда 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 11.171.33 сўмни ташкил этган бўлиб, 750 АҚШ доллари 8.378.497,5 сўмга тенг) миқдорида моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, И.Сафаров ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мол-мулкини қонунга хилоф равишда ахборот тизимидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, ўзи ишлатиб юрган Модель M2101K6G, IMEI-код (солт SIM 1) 867630055960641, IMEI-код (солт SIM 2) 867630055960658, IP-адрес 10.81.197.237 бўлган “Redmi Note 10 Pro” телефон аппаратида фойдаланган ҳолда Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида фаолият олиб боровчи “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “Binancee_uz” гуруҳининг “Live chat” номли жонли суҳбат жараёнига қўшилган ҳолда “Binancee” иловасида akkaунт очишни, қандай ишлашни, “USDT” крипто валюта пулларини олди-сотдиси ва қай тариқа кўпайтиришни ўргатиши юзасидан ёзган хабари бўйича “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали мурожаат қилган Алижонов Абдоржон Равшанжон ўғлига 2023 йил 3 апрель куни ўзини “Баҳодир” деб таништириб, интернет тармоғидаги “Binancee” иловасида akkaунт очишни, akkaунтга “USDT” крипто валюта пулларини тушириш ва пул чиқариб олишни ўргатишини айтиб, “Telegram” ижтимоий тармоғида телефон орқали экран улашган ҳолда фуқаро А.Алижонов номига шахсига оид маълумотларни кириттирган ҳолда “Binancee” иловасида akkaунт очтирган ҳолда ҳисобига қай ҳолатда электрон пул тушуриш ва уларни ечиб олишини ўргатиб, мазкур жараёнда “Binancee” иловаси фуқаро А.Алижонов номига очилган



аккаунт маълумотларини қўлга киритган ҳолда 2023 йил 6 апрель куни соат 04:26:07дан соат 04:31:06га қадар бўлган вақтда яширин равишда фуқаро А.Алижоновни “Binancee” иловасидаги аккаунтига кириб, аккаунт ҳисобидаги 300 “USDT” крипто валюта пулларини “Crypto BOX” тариқасида яширин равишда “Binancee” иловасидаги ўзининг аккаунти ҳисобига ўтказиб олган ҳолда фуқаро А.Алижоновга 300 “USDT” крипто валюта (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотига кўра, 06.04.2023 йилда 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 11.365.26 сўмни ташкил этган бўлиб, 300 АҚШ доллари 3.409.578 сўмга тенг) миқдорида моддий зарар етказган.

Судланувчи И.Сафаров суд мажлисида айбига қисман иқроп бўлиб, қуйидагиларни, яъни ёшлигидан устачилик ва бошқа ишларни бажариб ишлаб келганлигини, интернет сайтнинг “Telegram” ижтимоий тармоғига ўзининг фойдаланувида бўлган “Redmi Note 10Pro” телефон адратидан фойдаланиб, киришини, 2023 йил тахминан апрель ойида “Telegram” ижтимоий тармоғидаги крипто валюта, USDT “Binance uz” билан боғлиқ бўлган ҳозирда аниқ номи эсида бўлмаган, тахминий номи “отс_marset” номли гуруҳга кирганлигини, мазкур гуруҳда иштирокчилар крипто валюта USDT бўйича суҳбат олиб боришаётганини кўрганлигини, сўнг гуруҳнинг “Live chat” номли чатда телефоннинг экран тасвирини ва у ерда крипто валюта USDT бўйича суҳбат бўлаётганлигини кўрганлигини ва у ҳам суҳбатга қўшилиб, мазкур жараёнда у “крипто валюта USDT бўйича, савдо сотиқни ўргатаман, бу бўйича ишлашни ўргатаман” деб ёзганлигини ва унинг бу ёзганлари бўйича мурожаат қилган, кейинчалик унга маълум бўлган Алижонов Абдоржон Равшанжон ўғли, унга крипто валюта USDT бўйича, савдо-сотиқни урганишини ёзганлигини, у ёрдам беришини айтганлигини, ўзи А.Алижонов “Binancee” иловасида USDT крипто валюта бўйича, аккаунт очиб бўлганлигини, мазкур иловада крипто валюта USDT бўйича, унинг ҳам аккаунти бўлганлигини, яъни айди рақамли ҳозир эсида бўлмаган аккаунти бўлганлигини, А.Алижонов ундан крипто валюта бўйича нималарни сотиб олса бўлиши бўйича маслаҳат сўраганлигини, А.Алижоновга “USDT борми” деб сўраганида борлигини айтганлигини, унга “савдо қилишни ўргатаман” деганлигини, шу билан унга USDT бўйича, экран тасвирини бир-бири билан улашган ҳолатда крипто валюта USDTни савдо қилишни ўргатаётган вақтида А.Алижоновнинг “Binancee” иловасидаги “Crypto BOX” яъни (“Binancee” иловасидаги бонус тариқасида берилган USDT крипто валюта)сини турганлигини кўрганлигини ва суҳбатлари жараёнида “Crypto BOX”ни яширин равишда, ўзидан сўрамасдан скриншот қилиб олганлигини, шу билан у А.Алижонов билан суҳбатларини яқунлаганлигини, сўнг А.Алижоновни “Crypto BOX”ни яширин равишда скриншот қилиб олгани бўйича, у ерда бўлган 300 USDT крипто валютани, мазкур жойда амал қилиш муддати билан бирга ёзилган, “Crypto BOX” кодини ўзининг “Binance” иловасига



киритиб, 300 USDT крипто валютани ўзининг akkaунтига ўтказиб олганлигини ва уларни ўзининг номига “Капитал банки”дан берилган 8600 4904 **** 9764 рақамли пластик картасига тушириб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, юқорида кўрсатилган ҳаракатларидан ташқари бошқа бир дона жиноятга алоқаси борлигини, яъни 2022 йилда укаси С.Сафаров унга қўнғироқ қилиб, Зухриддин исмли таниши “Binance” иловасидаги USDT крипто валюталарнинг олди-сотдисида қизиқаётганлигини шунга ўргатишини сўраганлигини, уларга биринчи навбатда бунинг учун “Binance” иловаси akkaунтини очишлари кераклигини айтганлигини, шу пайтда уйда бўлганлигини, укаси С.Сафаров ва Зухриддин Россия Федерациясида ишда бўлганлигини, шу билан улар унинг оғзаки тушунтириши бўйича укаси С.Сафаров ва Зухриддин akkaунт очишга уриниб кўришганлигини, аммо уларнинг akkaунт очиш қўлларидан келмаганлигини, сўнг улар унга видео қўнғироқ қилганида у Зухриддиннинг номига “Binance” иловасида akkaунт очишни, яъни вирефикациядан ўтишни онлайн ўргатганлигини, унда иловадаги бандларга паспорт маълумотларини, селфи суратларини киритиши ва бошқаларини ўргатганлигини, кейин уларга бир иш куни ичида берган онлайн аризалари кўриб чиқилишини, сўнг иловада Зухриддиннинг номига akkaунт очилишини маълум қилганлигини, улар унга бошқа телеграмдан ёзмаганлигини ва қўнғироқ ҳам қилмаганлигини, сўнг у Зухриддиннинг номига akkaунт очишда киритган Gmail паролни яширин равишда олгани бўйича, ўзи интернет сайтининг Телеграмм ижтимоий тормоғининг экрани орқали Зухриддиннинг маълумотлари билан akkaунтига кирганлигини, унга Gmail пароли, унинг akkaунти орқали “Binance” иловасига кирганлигини ва мазкур akkaунт орқали Телеграмм ижтимоий тармоғида “USDT крипто валюталар савдо-сотиғини ўргатаман” деб ёзиб, унинг бу таклифи бўйича, мурожаат қилган, кейинчалик унга маълум бўлган Л.Исматуллаева билан Телеграммда ёзишганлигини, унга USDT крипто валюталарини кўпайтириш, савдо сотиғини ўргатиши мазмунида ёзишганлигини USDT бўйича, видео қўнғироқ орқали экран тасвирини бир-бири билан улашган ҳолатда крипто валюта USDTни бўйича савол жавоб қилаётганида Л.Исматуллаеванинг “Binance” иловасидаги “Crypto BOX”даги 750 USDT крипто валюта пуллари борлигини кўрганлигини ва Л.Исматуллаеванинг “Crypto BOX”ни яширин равишда, ўзидан сўрамасдан скриншот қилиб олиб, шу 750 USDT крипто валюта пуллари Зухриддиннинг номидаги akkaунтидаги “Binance” иловасига ўтказиб олиб, уларни юқорида кўрсатилган пластик картасига ўтказиб олиб, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, унинг бу содир этган ҳаракатларидан укаси С.Сафаров ва унинг таниши Зухриддиннинг ҳабари бўлмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарар бўйича А.Алижоновнинг пуллари тўлаб берганлигини, шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғишдан иборат бўлган жиноятни содир этмаганлигини, унинг



оилавий шароитини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи И.Сафаровнинг айби ўзининг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади, жумладан.

Суд мажлисида видеоконференцалоқа орқали сўроқ қилинган жабрланувчи А.Алижонов қуйидагиларни, яъни Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида жойлашган “Марғилон ихтисослаштирилган таъмир қурилиш” ХКда муҳандис бўлиб ишлаб келишини, 2023 йил 3 апрель куни Фарғона вилоятдан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманига корхонасининг иши бўйича хизмат сафарига келганлигини, шу билан Паркент кўчаси 241-уй 76-хонадонда вақтинчалик қолганлигини, бу жойда бўлганида ўзининг фойдаланувида бўлган “Redmi Note 7” телефон аппаратидан “Telegram” ижтимоий тармоғига кирганлигини, у “Binance” бўйича крипто валютага қизиқиб юргани боис, ижтимоий тармоқда номи эсида қолмаган қайсидир гуруҳга кирганида унга қизиқувчилар орасида чат орқали ёзишмалар бўлаётганлигини, улар орасидан бири “Binance” иловасида крипто валюта савдо-сотиғини ўргатаман” деган ёзувларини ҳам ўқиб қолганлигини, сўнг у “Telegram”да исмининг ўрнига қўйилган, профил эгаси билан ёзишиб гаплашганлигини ва ундан “Binance” иловасида akkaунт очишда ёрдам беришини сўраганлигини, унга ўзини Баходир деб таништирган, кейинчалик унга маълум бўлган И.Сафаров унга ёрдам беришини, бунинг учун улар “Telegram” ижтимоий тармоғида экранни бир-бирига улашлари кераклигини айтиб ўтганлигини, яъни телефонда бажарилаётган функциялар икки томонда ҳам кўриниб турадиган жараённи амалга оширилари кераклигини айтганлигини, у “экранни уламасдан овозли гаплашиб, akkaунт очсак бўлмайдими” деганида, И.Сафаров унга бўлмаслигини айтганлигини, сўнг улар ўзаро телефонларида “Telegram” ижтимоий тармоғида экранларини улаганликларини, И.Сафаров унга “Binance” иловасида қай тариқа akkaунт очишини айтиб, ўргатиб турганлигини, у айтган амалларини бажариб, электрон почта очилганлигини, телефон рақамини киритиб, махсус парол қўйилганлигини, паспорт, пластик киритилганлигини, шу билан унга “Binance” иловасида akkaунт очилганлигини, И.Сафаров унга қаердан электрон пул чиқаришни, пул туширишни ўргатганлигини, 2023 йил 5 апрель куни у “Binance” иловасидаги исми ёзилган akkaунтига 300 USDT крипто валюта пуллари Фарғонадан бўлган, “Binance” иловаси бор ва крипто валюта билан шуғулланувчи шахсга айтиб туширтирганлигини, у akkaунтига крипто валюта тушириб бергани бўйича, 300 АҚШ долларини берганлигини, шу билан унинг “Binance” иловасидаги ҳисобида 300 USDT крипто валюта пуллари бўлганлигини, 6 апрель куни у “Binance” иловасига кирганида яна ундан эмайл почта ва парол сўраганлигини, уларни териб иловага кирганида “Binance” иловасида бўлган 300 USDT крипто валюта пуллари йўқлигини



кўрганлигини ва “Telegram” ижтимоий тармоғига кириб И.Сафаровга ёзганлигини ва туширган пуллари иловада йўқолиб қолганлигини айтганлигини, “Binance” иловасидаги 300 USDT крипто валюта пуллари бўйича “История” деган жойини скриншот қилиб ташлаб бергани бўйича, И.Сафаров унга 300 USDT крипто валюта пуллари иловада “Crypto BOX” қилиб кимгадир ўтказиб берганлигини айтганлигини, у бу нима дегани эканлигини сўраганида, И.Сафаров унга крипто валютани кимгадир совға қилиб ўтказиб берганлигини айтганлигини, у 300 USDT крипто валюта пуллари чиқиб кетган вақт 2023 йил 6 апрель куни 04:28:50да “Binance” иловасига кирмаганлигини маълум қилганида, И.Сафаров унга телефон апаратини кимгадир берган бўлиши мумкинлигини айтганини, у телефонини ҳеч кимга бермаганлигини айтганида, И.Сафаров унга кимдир унинг телефонини олмаган бўлса, 300 USDT крипто валюта пуллари ўзидан ўзи чиқиб кетмаслигини ёки кимгадир электрон почтасини берган бўлиши мумкинлигини айтганлигини, у ҳеч кимга электрон почтасини бермаганлигини, агар берган бўлганида ҳам смс келган бўлиши кераклигини айтганлигини, хуллас унга И.Сафаров нима қилган бўлса ҳам ўзи қилган бўлиши мумкинлигини маълум қилганлигини, сўнг у “Telegram” ижтимоий тармоғидаги крипто валюта билан боғлиқ бўлган гуруҳларни топиб, тармоқда бўлган шахслардан юқорида айтган ҳолати бўйича маълумот сўраганида, И.Сафаров айтган гапларни айтганлигини ва бундан ташқари “Binance” иловасининг хавфсизлик бўлимидаги “Устройства” бўлимига кирса, ўзининг иловага уланган телефон қурилмасидан бошқа уланган қурилмалар кўрсатилишини айтгани бўйича, мазкур амалларни бажарганида “Binance” иловасига унинг фойдаланувидаги телефон қурилмасидан ташқари, “M2101K6G” қурилмаси уланганлигини, ушбу қурилма иловага унинг 300 USDT крипто валюта пуллари йўқолган пайт 2023 йил 6 апрель куни соат 04:26:07дан соат 04:31:06га қадар кирганлигини кўрганлигини, шу билан у “Play market” иловасидан “қурилмани топиб ўрнатиш” деган файлни юклаб олиб, янги очилган электрон почтаси орқали фаоллаштирганлигини ва кирганида унинг электрон почтасига ўзининг телефон апаратидан ташқари, унга бегона бўлган, “Redmi Note 10Pro”, IMEI-код 867630055960658 бўлган телефон апарати уланиб олганлигини кўрганлигини, сўнг “102” рақамига қўнғироқ қилиб, ариза ва тушунтириш хати ёзиб берганлигини, “Binance” иловасида очилган akkaунт исм шариф ёки ID рақам билан ёзишмалар эканлигини, унинг 300 USDT крипто валюта пуллари “Cripto_Airdrop1 Pay ID:713610292” akkaунтига чиқиб кетганлигини, ўзининг akkaунтини номланиши ҳозир эсида йўқлигини, И.Сафаров унга нисбатан етказган моддий зарарни тўлаб берганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлиси давомида судланувчи ва тарафлар розилиги билан Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлган жабрланувчи



Л.Исматуллаеванинг дастлабки терговдаги 2022 йил 30 октябрь куни у вақтинча Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 30б-уй, 65-хонадонда уч нафар фарзанди билан яшаганлигини, бир йилдан буён “Binance” иловасида “Star_Tiara” номли akkaунт очган ҳолда кириб туришлигини, яъни пул қўйиб пуллари кўпайтириш ва бошқа ишларни қилиб, қўшимча даромад қилмоқчи бўлганлигини, бу борада 30 октябрь куни Телеграмм ижтимоий тармоғидаги “Binance” билан боғлиқ бир “Binance_Uz” номли гуруҳга кирганида қатнашчилар ўртасида “Binance” крипто валюта пуллари бўйича, қандай ишлаш, пулларни қай тариқа кўпайтириш шу ҳақида сўзлашувлар бўлаётганини, сўнг унга номаълум бўлган шахснинг личкасига унга ҳам “Binance” иловасида USDT крипто валюта пуллари олди-сотдисини ва пуллари кўпайтиришни ўргатишини сўраганлигини, мазкур шахс унга ёрдам беришини, кунига 200 АҚШ долларидан фойда кўриши мумкинлигини айтганлигини, Телеграмм ижтимоий тармоғида USDT крипто валюталар савдо-сотиғини ўргатишини ёзгани ва бу таклифи бўйича рози бўлиб, видео кўнғироқда экран тасвирини бир-бири билан улашган ҳолатда крипто валюта USDTни бўйича у билан савол жавоб қилганлигини, лекин у мазкур шахснинг юзини видеода кўрмаганлигини, у муқаддам “Binance” иловасидаги “Crypto BOX” деган жойини нималигини билмаганлигини, унинг ўзи иловада 760 USDT крипто валюта пуллари бўлганлигини, унга мазкур шахс “Crypto BOX”га киришини ва бир қанча амалларни бажаришини айтиб ўтганлигини, шу билан унинг ҳисобидаги 750 USDT крипто валюта пуллари йўқолиб қолганлигини, шунда мазкур шахс уни алдаган ҳолда крипто валюта пуллари ўзлаштириб олганлигини билганлигини, мазкур ҳолат бўйича, Мирзо Улуғбек тумани ИИБга бориб мурожаат қилиб, ариза ва тушунтириш хати ёзиб берганлигини, 2022 йил 30 октябрь куни “Binance” бўйича Телеграмда унга номаълум бўлган шахс билан гаплашаётганида ёнида қизи М.Исматуллаева бўлганлигини, у ҳозирги кунда Туркия Республикасида энагалик қилиб ишлаётганлигини, Ўзбекистонда юқоридаги ҳолат бўйича ёзиб кетган аризаси бўйича, унга ҳуқуқбузарлик содир этган номаълум шахсни ИИБ ходимлари топгани бўйича, моддий зарарни қизига беришларини айтганлигини, моддий зарар қизига берилганлигини, дастлабки терговда И.Сафаров унга ёрдам беришини, ҳақини унга у бу сайтда кунига 200 АҚШ долларидан пул топишлигини, буни ўрганиб олиб, пул ишлашни бошлаганидан сўнг ишлаган пуллари кунлик ярмини бериб боришини айтган шахс эканлигини билганини, И.Сафаровнинг айтган амалларини бажарганидан сўнг И.Сафаров “алоқа яхши эмас, овозингиз яшитилмаябди” деб чиқиб кетганлигини, сўнг у қора рўйхатга солинганлигини билганини билдириб берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчи И.Сафаров шу кўрсатувларни тўлиқ тасдиқлади.



Бундан ташқари, судланувчи И.Сафаровнинг айби жиноят иши ҳужжатларида тўпланган ҳужжатлар, яъни жабрланувчи А.Алижоновнинг аризаси (и.в. 9), нарсани олиш баённомаси (и.в. 25-35), А.Алижоновнинг пул маблағларини олганлиги ва И.Сафаровга даъвоси йўқлиги мазмунидаги тилхати (и.в. 37), жабрланувчи Л.Исматуллаеванинг аризаси (и.в. 65), ёзишмалар скриншоти (и.в. 67-68), “Binancee” биржасидан олинган маълумотлар (и.в. 70-76), жабрланувчи Л.Исматуллаеванинг қизи М.Исматуллаева томонидан етказилган моддий зарарни олганлиги ва И.Сафаровга нисбатан даъвоси йўқлиги мазмунидаги тилхати (и.в. 86), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори (и.в. 112), тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, судланувчи И.Сафаровнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унга нисбатан айбловнинг жабрланувчи Л.Исматуллаеванинг пул маблағларини яширин равишда қўлга киритиш ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141²-моддаси 2-қисми “в” банди ва айбловнинг жабрланувчи А.Алижоновнинг пул маблағларини яширин равишда қўлга киритиш ҳолати бўйича ЖКнинг 141²-моддаси 2-қисми “б, в” бандлари билан ортиқча айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141²-моддаси билан шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлиги учун жинойий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 10-бандида бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгилловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги тўғрисида амалий тушунтириш берилган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан судланувчи И.Сафаровга нисбатан жабрланувчиларнинг пул маблағларини талон-торож қилганлик ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди, ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ва ундан фойдаланиб талон-торож қилишда ифодаланган аломатлари билан айб эълон қилинганлиги кўринади.



Бундай ҳолда, суд судланувчи И.Сафаров томонидан жабрланувчи Л.Исматуллаева ва А.Алижоновларнинг пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилиш жараёнида ахборот тизими орқали уларнинг уяли телефонлари орқали ёқилган ижтимоий тармоқдаги аккаунтларига кириш йўли билан талон-торож қилганлиги, талон-торож қилишнинг усули деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида номи қайд этилган қароридаги амалий тушунтиришларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми ЖКнинг 141²-моддаси 2-қисмига нисбатан оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгилувчи модда эканлигини инobatга олиб, унинг айбловидан жабрланувчи Л.Исматуллаеванинг пул маблағларини яширин равишда қўлга киритиш ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 141²-моддаси 2-қисми “в” банди ва айбловнинг жабрланувчи А.Алижоновнинг пул маблағларини яширин равишда қўлга киритиш ҳолати бўйича ЖКнинг 141²-моддаси 2-қисми “б, в” бандларини ортиқча эълон қилинган деб чиқаришни лозим топади.

Бундан ташқари, суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Сафаровнинг жиноий ҳаракатлари жабрланувчи Л.Исматуллаеванинг пул маблағларини яширин равишда қўлга киритиш ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б” банди, ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ва ундан фойдаланиб талон-торож қилишда ифодаланган аломатлари;

-айбловнинг жабрланувчи А.Алижоновнинг пул маблағларини яширин равишда қўлга киритиш ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари, ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ва ундан фойдаланиб, такроран талон-торож қилишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Сафаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига мувофиқ ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари билан жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида Инсонпарварлик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида Одиллик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.



Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 3-бандида “жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар кирази” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи И.Сафаровга жазо тури ва муддатини белгилашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ уни шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларни унга нисбатан даъвоси йўқлигини, оилавий шароитини, оиласини ягона боқувчиси эканлигини, яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинидаги далолатномасида онаси меҳнатга лаёқатсиз эканлиги кўрсатилганлигини, моддий шароитини оғирлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари билан санкцияда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги амалий тушунтиришларига амал қилган ва жазони енгиллаштирувчи ҳолатларини инobatга олган ҳолда И.Сафаровни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, ҳукмни шартли деб ҳисоблаб, синов муддати белгилашни лозим топади.



Бундан ташқари, суд жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган уч дона CD-диск ва ёзма ашёвий далиллар жиноят иши хужжатларида сақлашни ҳамда бир дона “RedMI Note 10 PRO” русумли уяли телефон аппаратини қонуний эгаси Сафаров Ихтиёр Бахтиёровичга қайтариб беришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Сафаров Ихтиёр Бахтиёрович (Safarov Ixtiyor Baxtiyorovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а, б» бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан унга 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, И.Сафаровга тайинланган жазо шартли деб ҳисобланиб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

И.Сафаровнинг хулқи устидан назорат олиб бориш яшаш жойидаги Сурхондарё вилояти Шўрчи туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига юклатилсин.

И.Сафаронинг яшаш жойи ўзгарса, бу ҳақда унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи яшаш жойидаги туман (шаҳар) Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация гуруҳига хабар бериб туриш, мазкур органга белгиланган кунларда келиб, рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

И.Сафаровга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги қатъий тушунтирилсин.

И.Сафаровга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров тариқасида қабул қилиниб, Тошкент шаҳар ИИББ Молия бўлимига топширилган 6.600.000 (олти миллион олти юз минг) сўм гаров пуллари ҳукм қонуний кучга киргач гаров қўювчи Маматқобилова Сайёра Чориевна (Mamatqobilova Sayyora Choriyevna)га қайтариб берилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган уч дона CD-диск ва ёзма ашёвий далиллар жиноят иши хужжатларида сақлансин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “RedMI Note 10 PRO” русумли уяли телефон аппарати ҳукм қонуний кучга киргач қонуний эгаси Сафаров Ихтиёр Бахтиёровичга қайтариб берилсин.

Жабрланувчиларга нисбатан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.



Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Мазкур муддат ўтказилиб билдирилган протест ва шикоят кўрилмасдан қолдирилади.

Раислик қилувчи:

(имзо)

С.Содиқов

Аслига тўғри:

